


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

71020201- Мехнат мухофазаси, ишлаб чиқариши ва технологик  
жараёнлар хавфсизлиги (тармоқлар бўйича)  
магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент-2021



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети;

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 8 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «26» 08 даги 8 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРӢӢ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий коидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

T/p	бет
1. 71020201 - Мөхнат мұхофазаси, ишилаб чықарии ва технологик жараёнлар хавфсизліги (тармоқтар бүйінча) магистратура мутахассислигининг умумий таснифи .....	4
1.1. Күлланиш соҳаси .....	4
1.1.1. 71020201 - Мөхнат мұхофазаси, ишилаб чықарии ва технологик жараёнлар хавфсизліги (тармоқтар бүйінча) магистратура мутахассислиги малака талабининг күлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 71020201 - Мөхнат мұхофазаси, ишилаб чықарии ва технологик жараёнлар хавфсизліги (тармоқтар бүйінча) мутахассислиги бүйінча магистрлар касбий фаолиятлари таснифи .....	4
1.2.1. 71020201 - Мөхнат мұхофазаси, ишилаб чықарии ва технологик жараёнлар хавфсизліги (тармоқтар бүйінча) мутахассислиги бүйінча магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2. 71020201 - Мөхнат мұхофазаси, ишилаб чықарии ва технологик жараёнлар хавфсизліги (тармоқтар бүйінча) мутахассислиги бүйінча магистрлар касбий фаолиятларининг обьектлари.....	4
1.2.3. 71020201 - Мөхнат мұхофазаси, ишилаб чықарии ва технологик жараёнлар хавфсизліги (тармоқтар бүйінча) мутахассислиги бүйінча магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 71020201 - Мөхнат мұхофазаси, ишилаб чықарии ва технологик жараёнлар хавфсизліги (тармоқтар бүйінча) мутахассислиги бүйінча магистрларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 71020201 - Мөхнат мұхофазаси, ишилаб чықарии ва технологик жараёнлар хавфсизліги (тармоқтар бүйінча) таълим мутахассислиги бүйінча магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1. Умумий компетенциялар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар.....	6
Библиографик маълумотлар.....	8
Келишув вараги.....	9

## **1. 71020201 - Мехнат мухофазаси, ишлаб чиқарши ва технологик жараёнлар хавфсизлиги (тармоқлар бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи**

**71020201 - Мехнат мухофазаси, ишлаб чиқарши ва технологик жараёнлар хавфсизлиги (тармоқлар бўйича)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

### **1.1. Кўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 71020201 - Мехнат мухофазаси, ишлаб чиқарши ва технологик жараёнлар хавфсизлиги (тармоқлар бўйича)** магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **71020201 - Мехнат мухофазаси, ишлаб чиқарши ва технологик жараёнлар хавфсизлиги (тармоқлар бўйича)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalari;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошкариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўкишга кираётган баклавриат битирувчилари ва бошка манфаатдор шахслар.

**1.2. 71020201 - Мехнат мухофазаси, ишлаб чиқарши ва технологик жараёнлар хавфсизлиги (тармоқлар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар қасбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. 71020201 - Мехнат мухофазаси, ишлаб чиқарши ва технологик жараёнлар хавфсизлиги (тармоқлар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар қасбий фаолиятларининг соҳалари:**

**71020201 - Мехнат мухофазаси, ишлаб чиқарши ва технологик жараёнлар хавфсизлиги (тармоқлар бўйича)** – хаётидан инсон хавфсизлигини таъминлаш, инсон хаёти ва фаолияти учун қулай техносферани (инсон томонидан шакллантирилган мухит) шакллантириш, атроф мухитга техноген таъсирларни минималлаштириш, замонавий техник воситалардан, назорат усулларидан ва прогнозлардан оқилона фойдаланиш хисобига инсон хаёти ва соғлигини асрар; меҳнат мухофазаси, ишлаб чиқарши ва технологик жараёнлар хавфсизлиги мутахассисликка оид комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

**1.2.2. 71020201 - Мехнат муҳофазаси, ишлаб чиқарши ва технологик жараёнлар хавфсизлиги (тармоқтар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармок илмий-тадқикот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқикот фаолияти ва жараёнлар;
- қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим тизими муассасалари;
- давлат бошқаруви ва унинг турли ҳудудий бўлинмалари;
- ишлаб чиқариш корхоналарида инсон фаолияти билан боғлик бўлган хавфлар ва ишчиларни меҳнатини муҳофаза килиш;
- хавфли ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар;
- хавфсизликни таъминлаш масалаларига оид ҳукукий-меъёрий хужжатлар;
- хавфларни, рискларни баҳолаш усуслари ва воситалари;
- инсон ва яшаш мухитини хавфлардан муҳофазалаш усуслари ва воситалари;
- атроф табиий мухитга кўрсатиладиган антропоген таъсирларни ва хавфларни меъёrlаштириш коидалари.

**1.2.3. 71020201 - Мехнат муҳофазаси, ишлаб чиқарши ва технологик жараёнлар хавфсизлиги (тармоқтар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- илмий тадқикот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

**1.2.4. 71020201 - Мехнат муҳофазаси, ишлаб чиқарши ва технологик жараёнлар хавфсизлиги (тармоқтар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

5A640101 - Мехнат муҳофазаси, ишлаб чиқарши ва технологик жараёнлар хавфсизлиги мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

**Илмий тадқикот ва педагогик фаолиятида:**

- илмий, амалий тадқикотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган ҳулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашв этиш;
- илмий маколалар, маъruzalар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, ўтказилаётган тадқикотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чикиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуклар ҳакидаги маълумотларни максадга йўналган холда кидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чикиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чикиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;
- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машгулотларини ўтказиш;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масоғавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;
- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- ташкилот, корхона ва уларнинг алохида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришини ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самараали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга кўйиш;
- хўжалик юритувчи субъектигининг меҳнат муҳофазаси ва ишлаб чиқариш жараёнлари хавфсизлиги фаолиятини режалаштириш, хисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, хуқуқий хамда меъёрий-хуқуқий хужжатлар;
- кабул килинадиган карорларни, ижтимоий-иктисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини хисобга олган ҳолда бошқарув карорлари варианtlарини ишлаб чиқишида хамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган хужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик хисоботни олиб боришини ташкил этиш, хисоботларни тузиш тартибларини аниклаш;
- лойиҳавий ва дастурий хужжатларни ишлаб чиқиш ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш, бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

### **Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.**

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва инсонларни меҳнатини муҳофaza қилиш;
- ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар хавфсизлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқаришда хавфсизликни таъминлаш масалаларига оид хуқукий-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиши;
- ишлаб чиқаришда хавфларни, рискларни баҳолаш.
- мутахассислик бўйича меҳнат муҳофазаси мониторингини ишлаб чиқиш;
- магистр ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гурухларида иштирокчи сифатида катнашиш;
- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиши.

## **2. 71020201 - Меҳнат муҳофазаси, ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар хавфсизлиги (тармоқлар бўйича) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёкарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иктисолий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил қилиш кобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил кила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-хуқуқий хужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустакил қарорлар кабул кила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, саклаш, кайта ишлашнинг асосий усуслари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўнкимларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва

тахдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя килиш кобилиятига эга бўлиши.

## **2.2. Каебий компетенциялар:**

- илмий, амалий тадқикотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий маколалар тайёрлаш ва таҳрир килиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойихаларни ишлаб чикиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойихаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойихаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришини ташкил килиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга кўйиш кўникмаларига эга бўлиши;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларини қўллай билиши;
- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чикиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришда инсонларни меҳнатини муҳофаза килиш кўникмаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар хавфсизлигини таъминлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришда хавфсизликни таъминлаш масалаларига оид ҳуқукий-меъёрий хужжатларни ишлаб чикиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ишлаб чиқаришда хавфларни, рискларни баҳолаш кўникмаларига эга бўлиши;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича меҳнат муҳофазасини таъминлаш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқикотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиши;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий, иктисадий, стратегик режаларни ишлаб чикиш, меҳнат муҳофазаси соҳасида ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чикиш ва илмий-тадқикот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш;
- лойиҳаларнинг иктисадий самарадорлигини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;
- ишлаб чиқаришда таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш малакасига эга бўлиш;
- меъёрий-ҳуқукий хужжатларни экспертизадан ўтказишни билиш.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

ОҚС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб ўрганиш натижалари, ўқув даври, e-learning ва m-learning технологиялари, ижтимоий-иктисодий жараёнлар, таваккалчилик, ракобат, ракобатбардошлиқ, иктиносидёт тармоқлари ва соҳалари, хуқук-тартибот, эксперт хизмати, баҳолаш, сифатни баҳолаш ва назорати, мустакил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, иктиносидӣ хавфсизлик, экспертиза, иктиносидӣ жиноятлар, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқикот жараёни, маҳсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқикот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, замонавий ўлчов асбоблари, илмий тадқикотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда  
кадрлар истеъмолчилари  
**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Ислом Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети

Ректор  проф. С.М. Турабджанов

2021 йил « 23 » 08

М.ў.



**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Тошкент кимё технология институти

Ректор  Б.Ш.Усманов

2021 йил « 24 » 08



“Саноат хавфсизлиги” ДҶ бошқарма

Тошкент давлат транспорт  
университети

Ректор  О.А.Джуреев

2021 йил « 24 » 08



Бозиён кўринбосари

NAZORAT  
PROFESSIYALIK  
FAZLIYATINI  
TANLIX QILISH VA  
MUVOFIQLASHTRISH  
BOSHQARMASI

Ректор  О. Абдурахманов

2021 йил « 24 » 08  
М.ў.